2003 YIL 8 APREL, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№47 (6.572). Sotuvda erkin narhda

## Айни дилимиздаги Муддао

**Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалигидаислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармонини ўқиб...**

***-Очиғи, мазкур Фармон қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларнинг айни кўнглидаги гапларини ифодалабди, - дейди Ғаллаорол туманидаги паррандачилик ҳиссадорлик жамияти раиси Бахтиёр Абилқосимов. – Биргина 6-банднинг ўзида юқори ташкилотларни тақсимотчилик вазифаларидан озод қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқларига раҳбарлик қилишнинг маъмурий буйруқбозлик усулларидан воз кечиш назарда тутилсин, дейилган.***

Бу жуда яхши. Нега деганда, бугунги кунда паррандачиликни ривожлантириш учун буйруқбозликдан воз кечиш керак. Ҳозир республикада парранда озуқаси муаммо, емларнинг сифати паст. Шунинг учун ўзимиз 270 гектар лалми ер олиб, макка, ғалла экинларини йўлга қўйганмиз. Техникамиз бор, аммо ёнилғи маҳсулотларини уюшмамиз тақсимот қилади. Ҳар йили дизел маҳсулотларига бўлган талаб муаммолигича қолади.

**МУНОСАБАТ**

200 километр йўл босиб уюшмадагиларга эланамиз. Бунинг натижасида қанча харажат, асаббузарлик... Иш суръатининг сусайишини айтмайсизми...

Ун заводларидан чиқаётган мавжуд емлар сифатсизлигини биласиз. Шу боис бир йилга 1000 тонна ғалла, 730 тонна макка донига эҳтиёжимиз бор. Келтирилаётган емларга макка, ғалла озуқасини аралаштирмасак, сифати ошмайди-да. Маҳаллий ҳокимликка бир неча бор сувли майдонлардан ер ажратишини сўраб мурожаат қилдик. Ерни ижарага олсак, ишимиз юришиб кетади. Менимча, энди ҳамма гап Фармоннинг ижросида...

-Фермерчилик қишлоқ хўжалик тизимини ривожлантиришда асосий восита эканлиги бор гап, - дейди Жалақудуқ туманидаги "Жалолиддин" фермер хўжалиги соҳиби Маъмуржон Розиқов. – Президентимизнинг шу Фармони биз каби деҳқонлар учун галдаги қутлуғ қадамлардан бири бўлди. 5 гектар ер олганман. Хўжаликда 4 нафар ўғлим, икки келиним меҳнат қилади. Техникадан муаммо йўқ. МТЗ-80, Т-28 русумли тракторларим бор. 2,5 гектарга пахта, 2,5 гектарга ғалла экаман. 2002 йил биргина ғалладан 90 центнердан ошиқ ҳосил кўтардик, давлатга шартнома бўйича 6,5 тонна эмас, 7,5 тонна қилиб ортиғи билан топширдик. Аммо бизни ер масаласи қийнаяпти. Керак бўлса, юз гектарни ҳам эплаймиз. 2001 йилнинг декабр ойида туман ҳокимига 35 гектар ер сўраб ариза бердим, ҳоким пайсалга солди. Яна 2002 йилнинг 27 ноябрида қайта мурожаат қилдим. Ҳеч бир натижа бўлмади. Президентимиз Фармонида ер узоқ муддатга ижарага берилади, дейилган. Зора, шу фармондан кейин орзуларимиз амалга ошса. Яна бир муаммо: юқорида айтганимдек, хўжалигимиз ери имкониятларимиз даражасидан кам. Шундай бўлса-да, ишингнинг белига тепадиган бошлиқлар кўп.

Масалан, деҳқон ва фермерлар уюшмаси туман вакиллигининг тазйиқи билан ўтган йилнинг март ойида "Гулистон" кооперативига аъзо бўлдим. Шартномага кўра кооператив бизга ўғит, ёқилғи, техникадан ёрдам бериши керак эди. Транш орқали келган барча маблағ бизга эмас, балки кооперативга келиб тушган. Биз каби фермерлар ҳеч вақосиз қолдик. Пахтамга шира тушди, бир грамм дори бермади, ёқилғи ҳам. Бошқа йўл билан ширкат хўжалигидан олдим. Шундай бўлса-да, топширган, ундирган ҳосилимиз кооператив орқали сотилди. Туну кун далада меҳнат қилиб, 1 миллион 350 минг сўм пахта пулимиз кооперативда қолиб кетди. Бугунги кунда "Гулистон" кооперативининг фаолияти тўхтатилган. Энди пулимизни кимдан оламиз? Биргина мен эмас, 41 та фермернинг даромади қолиб кетди. Эндиликда ҳам меҳнатга, ҳам қадримга йиғлаб ўтирибман. Ана сизга ўйламай қилинган ишнинг оқибати.

-Юртбошимизнинг бу Фармони анчадан бери юрагимда пайдо бўлаётган оғриққа дармон бўлди, - дейди Янгийўл туманидаги "Оқ олтин" фермер хўжалиги раҳбари Нурмуҳаммад Тошматов. – Ер майдонимни кенгайтириш борасида хўжалик раҳбарига мурожаат қилавериб, бўлар-бўлмас расмиятчиликлардан чарчагандим. Ширкат хўжалиги раиси аризам умумий йиғилишда кўрилишини айтди. Биз кутган 5 март куни ҳам етиб келди. Аммо мажлис раисининг фойдасига ҳал бўлиб, юз гектар ер сўраб берган аризам рад этилди. Нима бўлсаям, Ҳ.Турсунқулов ширкат хўжалиги раиси ерни қўлдан чиқаргиси келмайди. Буни изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Хўжаликнинг оз эмас, кўп эмас 760 гектар ери бор. Йил якунларига бағишланган йиғилишда пахтадан 12 миллион даромад қилганини завқ-шавқ билан гапирди. Тавба, бугунги кунда биргина фермер 15-20 гектар ердан 15 миллионлаб даромад қилаётганда қарийб минг гектар ердан олинган 12 миллионлик даромадни айтиш ўринлимикин?

Менимча, "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги Қонуннинг барча моддаларини ҳам бир қатор кўриб чиқишнинг мавриди келганга ўхшайди. Ва яна энди Фармонни дастак қилиб ер бўйича туман ҳокимига бораман, зора умидларим амалга ошса...

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг мазкур Фармони ҳадемай қишлоқ хўжалиги тизимига улкан янгиликлар олиб киради. Ўйлаймизки, юрт фаровонлиги йўлида жон куйдираётган Маъмуржон, Нурмуҳаммад акалар каби минглаб фермерларни қийнаб келаётган муаммолар ўз ечимини топади.

**Шароф СУЛТОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## КУНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг йиғилиши бўлди. Унда Олий Мажлис депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимлик ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.**

**● Тошкентдаги «Европа уйи»да Европа Иттифоқи мамлакатларида божхона хизматини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича икки кунлик семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Молия вазирлиги, Солиқ ва божхона хизмати академияси вакиллари қатнашди.**

**● Бухоро вилояти ҳокимлигида «Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни: муаммолар ва ечимлар» мавзуида минтақавий илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

**● Қорақалпоғистонлик пиллакорлар мавсумга тайёргарликни бошлаб юборди.**

**● Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида 7 апрель - Жаҳон саломатлик куни муносабати билан «Ёшлар, экология ва саломатлик» талабалар марафони бўлиб ўтди.**

**● Ўқувчиларнинг яқинда ниҳоясига етган баҳорги таътил кунларида Урганчнинг барча мактаблари ўқувчилари «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг шу шаҳарда жойлашган Хоразм вилоят бўлими музейига ташриф буюрди.**

**● Тошкентда мамлакатимизга Америкадан ишлашга келган 48 нафар кўнгиллининг қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.**

**● Қизилтепа туманидаги «Зармитан» ширкат хўжалигининг «Работ» маҳалласида янги ўйингоҳ мажмуи фойдаланишга топширилди.**

**● "Тошкент универмаги" супермаркетида баҳорги-ёзги мавсумга мўлжалланган товарларнинг кўргазмали чакана савдо ярмаркаси очилди.**



## КАСБГА САДОҚАТ

**Халқ мол-мулкини авайлаб-асрашда ва турли ёмон кўзлардан қўриқлашда Ҳаким Отамуродов ўзига хос тажриба орттирган соқчи. Бухоро ёнилғи-мойлаш базасининг Когон бўлинмасида ишлаётган ёшлар Ҳакимнинг тажрибаларидан баҳраманд бўлиб, касб сирларини мукаммал эгалламоқдалар.**

**СУРАТДА: Ҳаким Отамуродов.**

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

## ЧИГИТ ЭКИШ НЕГА КЕЧИКМОҚДА?

***Бугун деҳқоннинг нигоҳи осмонда, кўнглида хавотир. "Ёмғир ёғармикин? Савалаб ўтган ёмғир такрорланмасмикин?.." Чунки баҳорнинг иккинчи ойи – апрел ҳам саккиз бўлди. Чигит экиш кечикмоқда. Доимо биринчи бўлишга одатланган андижонликлар чигит экишни якунлаётган маҳал Тошкент, Хоразм, Навоий ва Жиззах вилоятларида бу иш ўн фоизга ҳам бажарилмаган.***

Қорақалпоғистон Республикасида эса чигит экиш 1,4 фоизга етган, холос. Нега? Техника етмаяптими? Ер етилмаяптими?

Мутахассисларнинг фикрича, ҳамма бало кузда юз берган. Бу вилоятларда ўтган йил чигит кеч экилиб, охир-оқибат пахта терими чўзилиб кетди. Деҳқон қийналиб қолди, у декабрда ҳам пайкални ғўзапоядан тозалай олмади. Бундай пайкалларда февралга қадар шудгорлаш давом этди. Англаганингиздек, бир дард иккинчисини келтириб чиқармоқда. Кечагина шудгор қилинган даланинг холига қаранг, ер берч, лой, техника киролмайди.

Умидимиз катта. Насиб этса ҳаво очилиб, кун қизиса, тупроқ етилади. Тезда экиб оламиз. Фақат пленка остига эколмаётганимиз қийин бўлди-да. Жойлардаги амалдорлару етакчиларнинг фикри, нияти бу. Аммо "Э, бир амаллаб экиб оламиз-да, ҳали вақт бор", деб юрганлар ҳам оз эмас. Гоҳида ёнилғи, гоҳида техника етишмаётгани ҳам бор гап.

Шу каби ўнлаб муаммолар туфайли далада иш суст. Шу боис биз уста пахтакорларнинг бир гапини яна айтгимиз келди, "Зўрдан, ташаббускору меҳнатсевардан ҳар қанақа муаммо қўрқади. Эрта экkan эса эрта йиғиб, чўнтаги пулга тўлади. Энди айтинг, қай бири яхши - баҳона тўқишми, ишни ташкил этиб зўр бўлишми?.."

**БУГУННИНГ ГАПИ**



***Михдай. Ўтган йили тонналаб уйига дон тушириб олган деҳқонлар шундай дейди ва уларни эрта тонгданоқ ғаллазорда учратасиз. Бундай кишиларнинг ерида майсадан бўлак бегона ўт ҳам, касаллик ҳам йўқ. Қойил, туф, туф-э, кўз тегмасин-а, дейсиз экинига қараб.***

## АҲВОЛ ҚАЛАЙ, ҒАЛЛАКОР?

Бироқ республикамизда ғаллани иккинчи марта озиқлантириш ишлари 70 фоизга ҳам етказилгани йўқ. Чунки Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликларида бу иш пайсалга солинмоқда. Бу ҳудудларда ҳали экинни биринчи марта озиқлантириш ишлари охирига етгани йўқ. Бундан ташқари Сирдарё, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида айрим майдонларда бегона ўтлар кўпайиб кетган. Республикамиз бўйича эса бугунгача 250 минг гектар майдон ижарачилар томонидан бегона ўтлардан тозаланди.

Ёғингарчилик ва намликнинг юқори бўлиши майсанинг ривожланиши қатори айрим касалликларни пайдо бўлишига олиб келади. Шу боис уста ғаллакорлар ўз даласини тинимсиз кузатишади. Бегона ўтга қарши кимёвий усулни қўллайди, ё ўзи уни юлиб ташлайди. Бундай деҳқонлар иши, фаолияти бошқаларга ибрат бўларди, деб ўйлаймиз.

**АГРОСАНОАТ БЎЛИМИ**

***4-5-апрель кунлари Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти совринини учун ўзбек кураши бўйича буюк мутафаккир Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий YI халқаро турнир бўлиб ўтди.***

## АЛПЛАР ТЕРМИЗДА БЕЛЛАШДИ

Унда йигирмага яқин мамлакатдан келган икки юз полвон ўзаро бел олишди. Йигирма беш нафар халқаро тоифадаги ҳакам мусобақаларни одил ва холис баҳолаб борди. Улар орасида Жанубий Африка Республикасидан келган Цюзеф хоним, эронлик Ризо Носирий, жанубий кореялик Ким Ул Жен ҳам бор эди. Агар аввалги турнирларда полвонлар тўрт вазн тоифасида гиламга чиққан бўлса, бу гал етти вазнда куч синашди.

Мусобақада сурхондарёлик Суҳроб Дўстов, қашқадарёлик Исҳоқ Аҳмедов, бразилиялик Карлос Хонорато, тошкентлик Камол Муродов ўз вазнлари бўйича турнир ғолиби бўлди.

Юртдошимиз Эркин Қодиров туркманистонлик Рауф Жабборов устидан ғалаба қозонган бўлса, таниқли полвон Махтумқули Маҳмудов рақибларига курашнинг жозибали усулларини намойиш этди. Қашқадарёлик Элбек Орипов Буюк британиялик Даниэл Смит устидан бир дақиқадаёқ соф ғалабага эришди. Кураш ишқибозларига яхши таниш польшалик Павел Малованец билан сурхондарёлик Ҳамза Зиёвиддинов беллашувини томошабинлар зўр ҳаяжон билан кузатди. Ҳамза полвон икки дақиқадаёқ соф ғалабани қўлга киритди.

Рақибларини кетма-кет қулатган, кураш сирларини пухта эгаллаган Карлос Хоноратога тенг келадиган полвон бўлмаса керак, деб ўйлаганлар Фазлиддин Қурбонов даврага чиққач, янглишганини тушунди. Тошкентлик полвон Карлоснинг курагини ерга теккизди. Куч ва ирода, курашнинг ўзига хос усулларини қўллаш бобида эронлик Саид Хусравинажотнинг амаллари катта таассурот қолдирди.

Турнирнинг мутлақ ғолиблиги учун беллашувларга, табиийки, қизиқиш жуда катта бўлди. Ўзининг чаққон ва ҳалол кураши, мардлиги билан кўпчилик қалбидан жой олган Абдулла Тангриев билан туркиялик Салим Татар ўғли беллашуви жуда муросасиз кечди. Аммо меҳмоннинг барча уринишлари беҳуда кетди. Абдулла Тангриев мутлақ ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Унга Ўзбекистон Республикаси Президенти совррини - «Нексия» автомашинасининг калитини Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Қодиров топширди.

**Чори ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## НОН ҲИДИ

***Нон! Назаримда табиат ва инсон уйғунликда яратган кашфиётларнинг энг улуғи ана шу неъмат бўлса ажабмас. Бу илоҳий таомни эъзозлаб жуда кўп, ғоят хўб иш қилсак-да, барибир кам. Келинг, шу гал жаҳонга "Нони Осиё" номи билан донғи кетган Самарқанд нонлари мазасини тотиб кўрайлик.***

Унинг захматкаш ихтирочилари минг-минг йиллар давомида такомилга кирган, таомилга айлантирган, бетакрор жиҳатлари, касб сир-синоатлари билан озроқ ошно бўлайлик. Шаҳри азимнинг баркашдаги қуёшдек ловуллаб, ажиб нур таратиб ва ажиб ҳовурланиб турган нонлари билан боғлиқ ўткинчи муаммоларни-да, айтиб ўтайлик.

Гап аввалида бир эътироф. Бири-биридан даҳшатли қирғинбаротларни, очарчилик ва қаҳатчиликларни бот-бот кўрган халқимиз нон қадрини яхши билади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек хонадони бугунгидек нон сероблигини кўрмаган, ғаллахонаси бугунгидек дон-дунга тўлмаган. Минг шукрки, нонимизни бутун қилган, ризқ-насибамизни тўкин этган мустақиллигимиз мустаҳкамланиб бормоқда. Нон ва мустақиллик биз учун бири-биридан ширин, бири-биридан қадрли.

**МАЪМУРЧИЛИК**

Илгари ҳам Самарқанд нонлари ҳақида таъриф-тавсифлар кўп ўқилган, афсоналар тўқилган. Бироқ унинг олов билан юзлашиб келаётган пазандалари ҳақида ҳеч ким лом-мим демаган. Чўғдек ловуллаб турган нонлар оламни маҳлиё этган, аммо нонпаз тандир теграсида куймаланиб, хавотирланиб қолаверган. Бугун эса нон қанчалик эъзоз топган бўлса, унинг бунёдкори ҳам ўшанчалик қадр топди, элу юртга танилди. Келинг, яхшиси бу ҳақда "Регистоннон" масъулияти чекланган жамияти раиси Фазлиддин Ғиёсовнинг ўзлари сўзлаб берсалар.

-Новвойлар, нон сотувчилар ҳамиша таъқибда эдилар.

(Давоми 2-бетда)

**9 АПРЕЛ - АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН**

***Амир Темур ҳукмронлиги даврида қадимий Самарқанд қиёфаси янада гўзаллашди.***

## ҲУНАРМАНДЛАР ҲОМИЙСИ

Шаҳарда Кўксарой, Бибихоним масжиди ва Шоҳизинда мавзолейи қурдирилди. Амир Темур Самарқандни жаҳоннинг йирик савдо ва ҳунармандчилик марказига айлантириш мақсадида бир неча тадбирларни амалга оширди. У энг аввало бинокорлик, кулолчилик, темирчилик, заргарлик, тўқувчилик ва қоғоз ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берди. Шаҳар ичи ва атрофларидаги косибларни ўз ҳунарларига қараб, алоҳида гузарларга жойлаштириб, булар учун янги бозор расталари, савдо дўконлари, барча нарсаларни тартиб билан сотиш учун шаҳар бўйлаб катта кўчага чиқариш ва унинг икки томонида мол сотиш дўконлари қуришга фармойиш берди.

(Давоми 4-бетда)

## "ПАХТА БАНК": ДИВИДЕНДЛАР БАРАКАЛИ БЎЛДИ

***Наманган туманидаги "Зарбдор" ширкат хўжалиги "Пахта Банк"нинг акциядорларидан бири. Ушбу йирик молия муассасасининг уч миллион сўмлик акциясини сотиб олган. Банк самарали фаолият юритиб, катта миқдорда фойда кўраётганлиги туфайли акцияларга ҳар йили салмоқли дивиденд тўлаб келинмоқда.***

"Зарбдор" хўжалиги ҳам акциялардан яхши наф кўраяпти. 2002 йил натижаларига кўра "Пахта Банк"нинг оддий акцияларига ўттиз фоиз, имтиёзли қимматли қоғозларга эса олтмиш фоиздан дивиденд тўланиши эълон қилинганида барча акциядорлар қатори "Зарбдор" ширкати бошқаруви раиси ҳам ғоят хурсанд бўлди. Боиси 2002 йил ҳисобидан хўжалик қарийб бир миллион сўмлик дивидендга эга бўлади. "Пахта Банк" акциядорларининг йиллик умумий ҳисобот йиғилишида сўзга чиққан мазкур ширкат раҳбари хўжалик аъзолари 2003 йилда яна уч миллион сўмлик акция сотиб олишни режалаштирганликларини маълум қилди. Ушбу йиғилишда минбарга кўтарилган Қўрғонтепа туманидаги "Савай", Сариосиё туманидаги "Дашнобод", Паркент туманидаги "Заркент" ва бошқа ширкат хўжаликлари, хомашёни қайта ишлаш, савдо тармоқларининг вакиллари ҳам "Пахта Банк" мижозларга намунали хизмат кўрсатаётганлигини, кўрилаётган фойдадан дивиденд олиб, моддий манфаатдор бўлишаётганлигини таъкидлашди. "Пахта Банк" бўйича 2002 йил фойдаси ҳисобидан катта миқдордаги маблағ дивидендга ажратилганлиги барча акциядорларни руҳлантириб, ўз фаолиятларини янада кенгайтиришга ундади. 2003 йили банкнинг навбатдаги эмиссиясига мувофиқ 2,5 миллиард сўмлик акциялар чиқаришни режалаштирганлиги қимматли қоғоз эгалари сафи янада кенгайишини тасдиқлайди.

**САРҲИСОБ**

(Давоми 3-бетда)

**АНЪАНА**

***Шаҳар марказидаги истироҳат боғи Наманганнинг гул шаҳри эканига жонли исботдай доимо хушҳид, ҳамиша гўзал. Қарийб 120 йиллик тарихнинг шоҳиди бўлган бу нафосат масканида 42 бор гул байрами ўтказилди, айни кўклам кунларида навбатдаги жаннат намойишига тараддуд кўрилмоқда.***

## "СИЗГА ТАБРИК БОҒИДАН ГУЛДАСТА ТУТДИМ"

Наманган гуллари ҳақида гапирганда Тўқмулла Қорини эсламай бўлмайди. Россияда мусулмонларга қарши қатағон авж олиб, улар мажбуран чўқинтирилган замонларда (1830 йилларда) у киши Қозон шаҳридан бош олиб чиқиб кетган. Тақдир тақозоси билан унинг ва авлодларининг ҳаёти Наманганга боғланди.

(Давоми 4-бетда)

## ПАЛА-ПАРТИШЛИКДАН ТАЛОН-ТОРОЖГАЧА...

***Кичик ва ўрта бизнесга, ишбилармонлик ва тадбиркорликка зарур шароитларни яратиш, бу йўлдаги тўсиқларни олиб ташлаш борасида муҳтарам Юртбошимиз кўпгина маърузаларида алоҳида таъкидлаб ўтадилар. Сурхондарё вилоятида ҳам бу соҳада сезиларли силжишлар бор.***

Тадбиркор йўлига ғов бўлаётган кўзга кўринар-кўринмас, аммо катта аҳамиятга молик бир муаммо мавжудлигини рўйирост айтмоқ керак. Бу – электр таъминоти масаласидир. Ҳозирда вилоятдаги юзлаб қишлоқларда кун бўйи электр бўлмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Хўш, шундай шароитда қишлоққа саноатни олиб кириш осон кечармикин? Тадбиркор миллионлаб маблағ сарфлаб, қишлоқда мевани қайта ишлайдиган кичик цех қурди, дейлик. Бундай электрсиз ишлайдиган кичик цех ортиқча матоҳга айланиб қолмайдими? Буни яхши билган фермер кичик корхона очишни орзу ҳам қилиб ўтирмайди. Нари борса "Дамас" сотиб олиб, одам ташиш учун "аренда"га бериб қўяди. Деҳқончасига айтганда, така бўлсину... Рост, бугун қишлоқдаги тадбиркор учун электр тармоғига уланиш анчагина мураккаб. Бу борадаги ишлар чуқур ўрганилса, "ёпиғлиқ қозон" ичида анчагина ташвиш борлиги маълум бўлади.

**ТААССУФ**

Денов туманида ҳам бу масала ачинарли аҳволда. Тумандаги ўнлаб тадбиркорлар дардини кимга айтишни била олмай ҳайрон. Елиб-югуришлар беҳуда кетаётир. Туман электр тармоғидаги пала-партиш ишлар вазиятни янада чигаллаштиради. Бу ҳолат шунчаки эътиборсизликми ёки... Бунинг замирида таъмагирлик йўқмикан, деган шубҳага борасиз.

Туманнинг "Мустақиллик" деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида яшовчи Салима Алиева хусусий ёнилғи қуйиш шохобчаси очишга қарор қилганди. Ҳамма ишлари жойида, фақат электр керак.

(Давоми 2-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

ОВЧИНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

ИНСОФЛИДА БАРАКА БОР

КАРНАЙ КАТТАМИ, ҚЎШКАРНАЙ?

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## ШЕРИК

***Ботир олдинлари умуман савдо билан шуғулланмаган. Лекин шундай бўлса-да, бозорда тирикчилик қилмоқчи бўлди. Сармоя учун бир амаллаб юз минг сўмдан сал ошиқроқ пул тўплади.***

Пул чўнтакда тураверса ҳам бўлмайди. Бозорга келишидан мақсади ҳам пулни кўпайтириш. Бозор ўз номи билан бозор. Пулни айлантирсанг, ҳаракатга келтирсанг фойда ҳам келаверади. Фақат уни ишлата билсанг бас. Ботир ана шу хаёллар билан гўшт расталари биқинида жойлашган ошхонага тушлик қилиш учун кирди.

Шу пайт унинг ёнига ёшгина бир йигит келиб ўтирди:

-Ака, бозорга нима мақсадда келган эдингиз, - деди. Ботир савдо билан шуғулланиш нияти борлигини айтди. Шунда у, яъни исмини Зафар, деб таништирган йигит, гўшт бозорида савдо қилишини, истаса Ботирни ҳам шерик қилишини айтди.

Хуллас, Ботир Зафар билан ишлашга рози бўлди. Бир ҳафтача иккаласи яхшигина ишлашди.

Бир куни кушхонага гўшт олиб келиш учун кетган Зафар шу кўйи кўринмади. Ўртадаги пулни олган Зафар кушхонага эмас, уйига равона бўлган эди.

Ботирнинг эса боши қотган. Унинг исмидан бошқа манзилини билмайди. Чорасиз. Фойдани кўзлаган Ботир ўз пулидан ҳам умидини узган эди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**

## ЧУВ ТУШИРДИ...

***Солин қишлоғилик Норин хола келини билан бозорга тушди. Қўшниси қиз чиқараяпти. Ён қўшни жон қўшни, ҳар ҳолда сепига гилам қўшмаса уят бўлар-ов. Яна ғиди-биди, гап-сўз дегандай...***

Келинига ишонмади. Қўшни тўй қиларкан, деган хабар қулоғига етди дегунча қарилик нафақасидан гиламга пул йиғиб келди. Ким билсин, сўмлаб йиққанини келини бозорда исроф қилса-чи? Арзонроқ гилам олиб, қолганини ўзига кийим-кечак қилиб олса-чи, деган шубҳада мункиллаб қолганига қарамай, бозорга йўл олди.

Автобус то шаҳарга етгунча Норин холанинг тиқилинчда бўлари бўлди. Тез-тез одимлаб кетаётган келинига етиб юраман, деб бир оёқлари чалишиб кетар, бир судраётган ковуши тушиб қоларди.

-Атайин менга қарамай кетяпти, писмиқ. Бирга келаётганимга жаҳли чиққандир-да... Ҳар сафар бир талай пул билан бозорга кетиб, арзимас майда-чуйда билан келади. Ўзига яширикча у-бу оладими... Энди бундай қилолмаслигидан хафсаласи пир бўлаётгандир-да, - Норин хола йўл-йўлакай рангпар, сочлари тўзғиган келинига зимдан назар солиб, шундай ўйлар қуршовида бозорга етганини ҳам сезмади.

Анча бўлибди бозорга тушмаганига. Вой-бўй, одамларнинг кўплигини. Пул йўқ, деб зорланган қишлоқдошларининг ҳаммаси бозорда-ку!?

-Ҳамма нарсанинг нархи осмонда-я-беихтиёр оғзидан чиққан бу гапга келини кулиб қўйди холос. Кўриб қўй, демоқчими... Атайин қиммат бозорга олиб келгандир-да, - дея Норин хола кетаркан, кўзи чўғдай гиламга тушди.

Оламиз, деб туриб олди. Пули сал қиммат экану, келинидаги бозор-ўчарга, деб олган пулни ҳам қўшса, етади.

-Олганга яраша дўст-душманнинг кўзини куйдирадиган бўлсин-да, - Норин хола келинининг оғриниб пул узатаётганида қандайдир ич-ичидан уялгандай бўлди.

Катта гиламни келини елкасига олди. Энди автобус шоҳбекатигача етиб олиш керак. Оғир юк билан йўл олислашди. Ярим йўлга етганда, башанг кийинган, кўринишидан зиёли бир йигит:

-Хола! Кеннойи! Юкингларни кўтаришсам майлими? – деб қолди. Норин холаю келини қувониб кетди.

-Барака топгур, автобусгача кўтариб, яна ўриндиққа жойлаб кетди-я, - хола автобус юришини кутиб тураркан, келини билан йигитни алқади.

-Автобус тез юрмасов... Мен анови дўкондан ҳеч бўлмаса болаларга у-бу егулик олай -келини шошиб автобусдан тушиб кетди. Шу пайт ҳалиги йигит яна автобусга чиқди.

-Хола, келинингиз тайинлади, бу автобус тез юрмаскан, бошқа автобусда кетаркансизлар... Мен ҳозир гиламни ўша автобусга олиб ўтаман. Кейин қайтиб сизни ўзим олиб бораман, унгача келинингиз ҳам дўкондан чиқади, - йигитнинг бу гапи холани эсанкиратиб қўйди.

-Майли, майли... – дея йигитнинг гиламни олиб тушиб кетишини кузатиб қолди.

Орадан бироз вақт ўтиб, келини автобусга чиқди.

-Гилам қани?

-Бошқа автобусда... - Келинининг важоҳатидан холанинг гапи оғзида қолди.

Соддадил кампир ва келинининг вой-войлаб бутун автобус шоҳбекатини бошига кўтарганларини солинликлар анча пайтгача эслаб юришди.

**Фарида ИБРОҲИМОВА**

## ЮРАККА САНЧИЛГАН ПИЧОҚ

***Оёқ-қўли чаққон чойхоначи йигит халта-хулта кўтарган улфати чорнинг истиқболига шошиб ширинсуханлик билан манзират қилди:***

-Хуш кептилар, окахонлар. Жойларимиз васеъ. Нима қилиб берай, ошми, қовурдоқми?

-Қозон бўлса бас, баковулимиз бор.

Жўрабоши Валишернинг гапига жавобан чойхоначи қўлини кўксига қўйди:

-Бемалол ака. Фақат бу ер табаррук жой бўлганидан бошлиғимиз ичкиликка қаттиқроқлар...

Маҳмуд гуруч тозалашга тутинди, қозонни кўриб келган Аҳмад ёғ-гўштни "кубик"лашга тушди. Самихон сабзи-пиёзга уннади. Валишер эса косагулликни қўлга олиб, муздайгина чойнакни ишга солди. Иккинчи бор тўлатилган чойнак жизза билан бўшатилди. Диркиллай бошлаган гуручга дам босилгунча жўралар учта шишанинг "бошига етдилар".

Ўзининг таърифича пиёздан шакаробга ипак эшаётган Аҳмад қаршисидаги косагулга мастона оҳангда ўтинди:

-Сигаретингдан биттагина тутатиб оғзимга солиб қўйсанг, отам қилмаган яхшиликни қилардинг-да.

"Ижод" билан банд бўлган Валишер қарай қолмади.

-Сенга айтаман, ҳо-ой, - дами қайтган Аҳмад пичоқли қўлини у томонга ниқтади.

-Ҳозир-да, сендан сигарет айлансин, - дўсти томон тез ўгирилган ширакайф Валишер бир қалқди-да, чап тарафи билан пичоққа қадалди. – И-иҳ...

Маҳмуд билан Самихон нима гаплигини англашгунча жўрабошининг чап кўксидан қон чиқа бошлади. Ўтакаси ёрилган Аҳмад дик этиб турди-да, дўстини бағрига босди, даст кўтариб сўрига олди.

Ош қолди. Валишерни "Тез ёрдам" олиб кетди.

**Рустамжон УММАТОВ**

# НОН ҲИДИ



(Боши 1-бетда)

Қаерга қўнишса, ўша ерда нонларини талашиб-тортишиб харид қилишарди-ю, ўзларини ҳайдаб солишарди. Шўролар ҳукумати миллий чойхоналаримизни ёпишга, нонларимиз қадрини ерга уришга зўр берганди. Ҳозир барчаси барҳам топди. Бозорларда, аҳоли гавжум жойларда нон сотишга мўлжалланган махсус расталар қурилди. Новвойлар ҳимояга олинди. Вилоятда новвойлар ассоциацияси ташкил этилиб, биргина Самарқанд шаҳридан 1600 тадбиркор рўйхатга олинди. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, имтиёзлари алоҳида низомда белгилаб қўйилди. Ун таъминотини уюшма ўз зиммасига олди. Шаҳримиз нонлари шуҳратини оламга таратаётган, ҳақиқий миллий касб усталари ҳукуматимиз томонидан юксак орден, медаллар билан тақдирланишди. Осиё нони пазандаси, хусусий тадбиркор Робия Пўлатова "Дўстлик" орденига сазовор бўлди. Бетакрор совға нонлари ижодкори Зураффо Шарипованинг кўксига "Шуҳрат" медали тақилди. "Регистоннон" бош технологи Гавҳар Султонова ҳам "Шуҳрат" медалига муносиб кўрилди. Ҳозир корхонамизда 35 хилдан ортиқ нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Янги тур нонлар чиқариш устида ишлаяпмиз. Халқимизга улуғ неъмат – нон тайёрлаб бераётганимиздан мамнунмиз.

Сизларни касб сирлари билан ҳам озроқ хабардор қилмоқчи эдик. Озроқки, нонпазлик сулола касби, сулола эса айрим сирларини ҳеч қачон, ҳеч кимга айтмоқчи эмас.

Ҳар бир сулоланинг асрлар оша амал қилиб келаётган, ўзгалардан пинҳон тажрибалари бўларкан. Осиё нони тайёрланишининг ўзигагина хос жиҳатларини олайлик. Аввало, тандир лойи учун танланган тупроқ бошқаларидан фарқ қилади. Тандир қандай олов билан оқартирилади, бунисида ҳам гап кўп. Табиий газ ҳавони кўп куйдиради, ноннинг нафаси бўғилади, чўқ хили бўлмаганлиги боис ранги обдон очилмайди, тиниқ қизариб, ял-ял тусга кирмайди, ахир у шаппати нон эмас-да. Шу боис энг маъқул ёқилғи ғўза пояси. Хамир сунъий "дрожа"да эмас, ўз хамиртуришимизда кўпчитилиши зарур. Хамир қориш, пишитиш, кулчалаш, ёйиш фақат қўлда бажарилади. Меҳнати оғир, начора. Масаллиқ, 4-5 хил навли буғдой унидан аралаштирилиб тайёрланади. Қайси навли буғдой, қайси ҳудудда етиштирилганлиги инобатдан қочирилмаслиги керак. Нонни ҳалол, покиза, эътиқодли, зоҳиран гўзал, ботинан ундан-да гўзал нонпазлар ёпса, нон ҳилолдай балқиб чиқаркан. Самарқанд гўзалларининг ҳусну латофати Осиё нонларига қандай энганлигини энди тушунгандирсиз. Яна...

Ширмой нон ҳақида ҳам шу гап. Тўй, маросимлар учун ёпиладиган бу нон тилсимлари ҳам бизга маълум эмас. Хамирни тайёрлашда сув эмас, сут ишлатилишини биламиз, холос. Бироқ, қанақа сут? Бизу сизнинг билган-билмаганларимиз ҳозирча шулар бўла турсин. Лекин, бир нарсани батафсил айта оламиз. Бу, элга манзур, оламга машҳур нонлар тайёрлаш замирида вақт, об-ҳаво, мавсум билан ҳисоблашмайдиган захматли меҳнат ётганлигидир. У шундай меҳнатки, кўз нурингизни, юрак қўрингизни, билак қувватингизни ҳам аяб ўтирмайди. Шогирдларнинг деярли фақат сулоладан етишиб чиқишига сабаб шунда. Туғилибоқ онасидан сўнг тандирни кўрган, оёғи чиқибоқ отасининг атрофида уймаланган гўдакдан, қошига қўйилган ўсмани тандир ҳилида эндирган, ясаган кулчасини "пишитиб бейинг" деб онасига узатган қизалоқлардан ҳақиқий шогирд чиқади, нон ёпишни санъат даражасида кўтара оладиган сулола вакили етишади ва у аждодлари шуҳрати учун куюнади, уни сақлаб қолади. Зураффо Шарипованинг ўн нафар шогирди бор. Уларнинг беш нафари ўз қизлари, қолганлари ўғиллари, келинлари. Бу оила тажрибасини сулолавий байтулҳикма десак тўғри бўлади. Шубҳасизки, юзига "Самарқанддан совға", "Тўйларингиз муборак бўлсин", "Ассалом, Самарқанддан", "Наврўзи оламингиз қутлуғ бўлсин" деган бир-биридан меҳрли каломлар битилган, шифобахш гиёҳларнинг турфа рангдаги уруғлари билан зийнатланган неъматларни уммон ортларигача йўллаётган оила аъзоларининг хизматлари ҳеч бир қаҳрамоннинг ишидан кам эмас. Бироқ...

Бироқ, бугунга келиб айрим муаммолар ҳам туғилмоқдаки, бу ҳолат новвойларимизни ташвишлантирмоқда. Самарқанд нонлари шуҳратига путур етказилиши мумкин бўлган ўзбошимчаликлар, даставвал, мамлакатимизга қўшни республикалардан ун маҳсулотининг ҳам контрабанда йўли билан, ғайриқонуний олиб келинаётганлиги билан боғлиқдир. Айтиб ўтганимиздек, аввал 1600 новвой рўйхатдан ўтган ва улар белгиланган режага кўра ажратилган фонд бўйича уюшма томонидан ун билан таъминланар эди. Четдан ҳисоб-китобсиз келтирилаётган ун эса ана шу тартибни издан чиқарди. Тубли сулолага эга бўлмаган новвойлар уюшмани тарк этиб, солиқ идоралари билан алоқани уздилар. Уюшма аъзолари сони интизомли, узоқни кўра олувчи 392 нафар аъзога қисқариб кетди. Бу ҳисобдан чиққан 1208 нонпаз тадбиркорликни тўхтатди, дегани эмас, балким улар 2000 нафардан ҳам ошиб кетгандир. Ачинарлиси шундаки, енгилнинг остида, оғирнинг устида юрувчи учар новвойлар ҳеч қаерда ҳисобда туришмайди, даромад солиғи тўлашмайди, бунинг устига ишсиз ҳисобланишади ва маҳаллададан кам даромадли оила сифатида ёрдам ҳам таъма қилишади. Энг ёмони, кўриниши асл Самарқанд нонларига ўхшаш, таркиби, таъми, сифати ҳаминқадар бўлган нонлар совға сифатида шаҳримиздан олиб кетилмоқда. Бундай аҳволда нонларимиз шуҳратига соя тушиши ҳеч гап эмас.

-Маҳаллий истеъмолчиларнинг 70 фоизини ҳам фақат фойда ортидан қуваётган новвойлар оммавий хариддаги қолипли, қолипсиз нон маҳсулотлари билан таъминлашмоқда. Шу ҳисобдан шаҳардаги давлат тасарруфида бўлган нон ишлаб чиқариш корхоналарининг ойлик нақд пул тушумлари 1,5 миллиард сўмга камайиб кетган.

Ўзимизда экилаётган буғдой навлари сифатини ошириш, жавдор дони етиштириш, ун тегирмонлари технологияларини жаҳон талаблари даражасига кўтариш устида изланишлар, интилишлар давом этмоқда. Яхши натижаларга эса бирданига эришиб бўлмайди, ахир. Бироқ, сабр қилиш чоғида ўзгаларнинг сал арзон маҳсулотига мук тушиш ориятли борларга хос эмаслигини ҳам унутмайлик-да. Ўткинчи паллада ўзини тута олмаганларнинг мулзам бўлишлари ҳам тайин.

Мана, яна тандир тўлиб нон ёпилди, унинг бўйи борлиқни тутмоқда. Ҳа, Самарқанд нонларининг шуҳрати боқийдир. Негаки бу муқаддас заминда сулоласи обрў-эътиборига доғ туширишни асло истамаётган эътиқоди мустаҳкам, ориятли новвойлар яшаб келмоқда. Асл сулолага уланган, ҳалқаси оловда тобланган ворислар аждодлари руҳини шод этадилар, суюкли шаҳри шаънини муқаддас тутадилар.

Самарқанд нонлари дастурхонингизга файзу барака, қутлуғ тантаналарингизга кўрк бағишлайверсин, ҳамиша.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**





**Ромитан туманидаги "РомСиб" Ўзбекистон - Россия қўшма корхонаси пиллани қайта ишлаш ва пахта толасидан тайёр маҳсулот, кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қисқа муддат ичида харидорлар назарига тушиб улгурди.**

**Ҳозир бу ерда 210 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Корхонанинг иккинчи навбати ишга тушгач, ишчилар сони 300 нафарга етади.**

**СУРАТЛАРДА: 1. "Қалайчорбоғ" фермерлар уюшмаси раиси ўринбосари Самад Файзиев, корхона етакчилари Қўшши Каттаев ва Бешим Тиловов. 2. Корхона бичувчилари Ойсара Бозорова ва Зебо Раҳмоновалар маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.**

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

# ПАЛА-ПАРТИШЛИКДАН ТАЛОН-ТОРОЖГАЧА...

(Боши 1-бетда)

С.Алиеванинг иши дарров "ўнг"идан келавермади. Денов электр тармоғидагилар тадбиркорнинг аризасига "Ҳали кўп қатнайсиз, бу йўлда туфлингиз адо бўлади" дегандай қарашди. С.Алиеванинг электр тармоғига уланишига рухсатнома бериш ҳақидаги аризаси кирим қилинмади, қайд этилмади. Ариза муаллифига жавоб ҳам қайтарилмади.

Б.Чориев – Денов туманидаги "Ғалаба" ширкат хўжалигидан. Тадбиркор. Ишнинг кўзини биладиган мутахассис. Алебастр цехи қуришга бел боғлаган эди. Қишлоқ аҳолиси учун жуда керак. Тадбиркор цех учун техник шарт оламан деб кўп қатнади. Ололмади. Аммо... "Электр" улаб берилди. Нега? Қандай қилиб? Бу саволга жавоб топиш қоронғу хонада қора мушукни излашдай гап.

Тадбиркор М.Аланов Денов туманидаги Қизилсув ва Қизилжар оралиғида автоуловлар тўхташ мажмуи биносини қуриб йўловчилар учун қулайлик яратиш, ҳамюртлари оғирини енгил қилишга қарор қилганди. Ишбилармон 2002 йилнинг апрел ойида Денов туман электр тармоғи бошлиғи Б.Шодмоновга мажмуа қурилишига техник шарт сўраб мурожаат қилди. Натижа нима бўлди? М.Аланов қанча-қанча ойлар ўтса-да, техник шарт ҳам, аризасига жавоб ҳам ололмади.

Деновлик Обид Холматов макарон цехига электр энергияси олиш юзасидан тармоқ билан шартнома тузган. Унда тадбиркорнинг мажбуриятлари аниқ-таниқ кўрсатиб берилган, аммо электр тармоғи идорасининг мажбуриятлари мутлақо қайд этилмаган. Хўш, бунинг нимаси шартнома? Бу тармоқ энергияни ўзи хоҳлаган пайтда узади, дегани эмас-ку! Ишбилармон эса макарон цехига "қоровуллик" қилиб ўтираверади. Ойсара Алиева билан ҳам худди шундай тарзда шартнома тузилган.

Термиз шаҳар электр тармоқлари корхонасидаги аҳвол бундан-да ачинарли. Тадбиркорларнинг сарсон-саргардон бўлиб юрганини кўриб ранжимай қолмайсиз. Ишбилармонларнинг мурожаатларига совуққонлик билан қараш авжида.

2002 йилнинг ўн ойи мобайнида 179 нафар тадбиркорлар ёзма мурожаат қилишган. Уларнинг 49 тасига рўйхатга олиш китобига киритилмасдан техник шартлар ёзиб берилган. 18 нафарига ҳеч қандай аризалари йўқ ҳолда техник шартлар бериб юборилган. 66 та техник шартда корхона бошлиғининг кўрсатмаси йўқ. Юзлаб ариза ва алоқа хатлари тартибга киритилмаган. 39 та ариза юзасидан кичик ва ўрта тадбиркорларга қонунда белгиланган техник шартлар ёзиб берилмаган. 50 дан ошиқ тадбиркорнинг электр тармоғига уланиш ва техник шарт бериш борасидаги аризасига жавоб берилмаган. Корхона раҳбарлари сансалорликка дуч келган ишбилармонларнинг ранжишларига эътиборсиз қараган.

129 та кичик ва ўрта бизнес корхоналарига ва бошқа тадбиркорларга техник шарт бериш учун 289000 сўм пул қабул қилиб олинган. Лекин бу пуллар корхонага кирим қилинмасдан, давлат банкига топширилмасдан, корхона ходимлари эҳтиёжлари учун ишлатиб юборилган.

Термиз шаҳар электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Д.Хўжамуротовнинг топшириғига асосан котиба Нилуфар Азимова 34 та мижоздан техник шарт бериш учун 103900 сўм пул қабул қилиб олган, аммо бу маблағни корхона ҳисобига кирим қилмасдан, ходимларга, жумладан, корхона ҳисобчисига 3000 сўм, корхона бошлиғи Д.Хўжамуротовга 15000 сўм, бош муҳандис Ш.Чоршанбиевга бензин олиш учун 3600 сўм берган. Шу мисолнинг ўзиёқ корхонада тартиб-интизому ҳисоб-китобнинг издан чиққанлигини кўрсатмайдими?

Йўл қўйилган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш хусусида Сурхондарё вилоят электр тармоқлари шўъба корхонаси бошлиғи З.Б.Сатторовга вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Ч.С.Оллоёров томонидан тақдимнома киритилди. Натижада айрим раҳбарлар жаримага тортилди, баъзи бошлиқ ва мутахассисларга ҳайфсан эълон қилинди.

Айбдорлар-ку қилмишига яраша жавоб берди. Фақат шу билан камчиликлар, пала-партишликларга чек қўйилиб қолармикан? "Яхши отга бир қамчи" кифоя қилиб қусурлар барҳам топармикин, ёки яна "минг қамчи" керак бўладими? Тадбиркорлик йўлидаги ғовлар олиб ташланадими? Тадбиркорлар олдида электр тармоқлари корхонасининг юзи ёруғ бўлармикин? Ҳамма гап ана шунда.

**Собир КАРИМОВ,**
**вилоят адлия бошқармаси кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлимининг бош маслаҳатчиси.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## БАҒДОДДА ШИДДАТЛИ ЖАНГЛАР

***Айни пайтда Ироқ пойтахти атрофида ўз мавқеларини мустаҳкамлаётган иттифоқ кучлари қўмондонларининг маълум қилишларича, шаҳарга олиб борувчи барча йўллар, кўприклар уларнинг назоратига ўтган.***



Бағдоднинг ғарбий томонида эса Американинг 3-механизациялашган дивизияси Ироқ кучлари билан қақшатқич тўқнашувлар олиб бормоқда. АҚШ ҳаво кучлари эса Бағдод бўйлаб тинимсиз ҳужумларни амалга оширмоқдалар. Ҳозир муҳим объект саналган Бағдод аэропортида 7 мингга яқин Америка аскарлари турган бўлиб, кеча АҚШнинг "С-130" ҳарбий-транспорт самолёти аэропортга келиб қўнган. Шунингдек, бу ерда турган кучлар президент саройини артиллерия ҳужумига тутганларидан сўнг, танклар бўлинмаси у томон ҳаракатланган.

## БАСРА ВА КАРБАЛО ШАҲАРЛАРИ ЭГАЛЛАНДИ

***Иттифоқчилар сафида ҳаракат қилаётган Британия кучлари Басра шаҳрининг асосий қисмини эгаллаганлар.***



Шунингдек, улар "Баас" партиясининг штаб-квартирасини, шаҳар аэропортини ўз назоратларига олганлар. Генерал-майор Питер Уоллнинг айтишича, Басранинг ишғол этилиши Қатардаги иттифоқчилар кучлари қўмондонлиги томонидан юқори баҳоланган. Яқин вақт ичида Басра тўлиқ британияликлар назоратига ўтади. Лекин, шаҳарда душман кучларининг қолдиқлари қолган бўлиши мумкин. CNN телеканали эса Бағдоддан 120 километр жанубий-ғарбда жойлашган Карбало шаҳри Американинг 101-ҳаво десантчилари дивизияси томонидан ишғол этилганлиги ҳақида хабар тарқатган.

## КАСАЛЛИК ХАВФИ ОРТИБ БОРАЯПТИ

***Канада ҳукуматининг билдиришича, ҳозирга қадар номаълум юқумли касаллик билан боғлиқ 179 та ҳолат кузатилган бўлиб, уларнинг 9 тасида беморлар ҳаётдан кўз юмган.***



Айни пайтда Торонтодаги вазият жиддий бўлиб, аҳолининг кўпчилиги жамоат транспортларида юрмасликка, одамлар кўп тўпланган жойларга бормасликка ҳаракат қилмоқдалар. Гонконгда эса бу ажал қурбони бўлган кишилар сони 22 нафарга етган. Гонконг ҳукуматининг маълум қилишича, беморларга кўрсатилаётган тиббий муолажалар ҳам ўз самарасини бермоқда. Айни пайтда 116 нафар хаста киши касалликдан халос бўлиб, шифохонадан чиққанлар.

Бироқ, Осиёнинг энг ривожланган давлатларидан саналмиш Малайзияда эса хорижга кетган фуқароларнинг қай бирида касаллик аломати кузатилса, ўша фуқаронинг Малайзияга қайтиши тақиқлаб қўйилди.

## КУНИГА 1000 НАФАР БОЛА ЎЛМОҚДА

***Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Маниладаги минтақавий бўлими Осиё давлатларида ҳар куни 5 ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлим 1000 нафардан ортиқ, дея маълумот тарқатган.***



Болалар ўлимига аксар ҳолларда тўйиб овқат емаслик, ошқозон-ичак, безгак, ўткир юқумли касалликлар сабаб бўлмоқда. Бу борадаги энг ташвишли ҳоллар қашшоқлик, урбанизация даражаси назоратсиз, таълим сифати паст даражада, болаларга қаттиққўллик билан муомалада бўлинадиган ҳамда улар устидан эксплуатация ишлари жорий этилган давлатларда кузатилмоқда. Мазкур нуфузли халқаро ташкилотнинг хавотирли маълумотларига кўра, Шарқий Осиё ва Тинч океанининг ғарбий қисмида жойлашган 37 та давлатда 100 миллион атрофидаги болалар тоза ичимлик сувидан фойдаланиш муаммосига йўлиққанлар.

## ФАБРИКАДА ЁНҒИН ЮЗ БЕРДИ

***Хитойнинг шарқий қисмидаги Шаньдун вилоятида жойлашган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фабрикада катта ёнғин юз берди.***



Маълум бўлишича, 500 нафар ишчининг тунги навбатчиликдан чиқиш вақтига тўғри келган ёнғин туфайли 21 киши ҳаётдан кўз юмган. Кўрганларнинг гувоҳлик беришларича, кутилмаган ёнғин тезлик билан фабрика биносини эгаллаб олган ва уни вайронага айлантирган. Ёнғинга қарши кураш ходимларининг 3 соатлик ҳаракатларидан сўнг хавф бартараф этилган ҳамда ҳалок бўлганларнинг жасадлари топилган. Ҳозирда фожиа жойида қўшни Циндао вилоятининг экспертлари ёнғин сабабларини аниқлашмоқда, дея хабар беради "Рейтер" агентлиги.

## ҚАБИЛАЛАР ТЎҚНАШУВИ

***БМТнинг маълум қилишича, ўтган ҳафта Конго демократик республикасида мингга яқин киши ҳаётдан кўз юмган.***



Фожиага икки қабила ўртасидаги низо сабаб бўлган ва ўртада қуролли тўқнашув юз берган. Ўзаро жанжал вақтида ҳалок бўлган 966 кишининг жасадлари қардошлик қабристонига дафн этилган. Ҳозирда эса БМТ вакиллари маҳаллий руҳонийлар, қабила бошлиқлари ҳамда гувоҳлар билан суҳбатлашиб, фожиа сабабини аниқлаштирмоқдалар. Мазкур фожиа Конгодаги қарама-қарши кучларнинг тинчлик сулҳи тузганларидан бир неча кун ўтиб юз берган.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 8 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 577,44 | 1 Польша злотийси | 236,78 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1507,04 | 1 СДР | 1317,56 |
| 1 Дания кронаси | 138,67 | 1000 Туркия лираси | 0,59 |
| 1 БАА дирхами | 263,35 | 1 Швейцария франки | 692,11 |
| 1 АҚШ доллари | 967,23 | 1 ЕВРО | 1029,42 |
| 1 Миср фунти | 168,51 | 10 Жанубий Корея вони | 7,69 |
| 1 Исландия кронаси | 12,30 | 10 Япония иенаси | 80,17 |
| 1 Канада доллари | 654,24 | 1 Россия рубли | 30,92 |
| 1 Хитой юани | 116,85 | 1 Украина гривнаси | 181,32 |
| 1 Малайзия ринггити | 254,57 | | |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

## “ПАХТА БАНК”: ДИВИДЕНДЛАР БАРАКАЛИ БЎЛДИ

(Боши 1-бетда)

“Пахта Банк” Кенгаши раиси Эркул Зикриёев бошқарган йиллик умумий ҳисобот йиғилиши юқорида таъкидланганидек, эришилган натижаларни чуқур таҳлил этиш, қимматли тажрибаларни оммалаштириш, фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаб, келгусидаги вазифаларни бажариш йўл-йўриқларини белгилаб олиш руҳида ўтди. “Пахта Банк” бошқаруви раиси Қ.Тошматов маърузасида, тафтиш комиссияси ва бошқа тегишли бошқармалар бошлиқларининг ахборотларида 2002 молия-хўжалик йилидаги асосий кўрсаткичлар атрофлича таҳлил этилиб, 2003 йилдаги вазифалар хусусида фикр юритилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, 69 мингдан зиёд акциядорларни ўз сафига бирлаштирган “Пахта Банк” бугунги кунда мамлакатимизнинг йирик молия муассасаларидан бири ҳисобланади. Унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги бошқармалари, 183 та бўлимлари орқали мулкчиликнинг турли кўринишидаги 230 мингга яқин мижозларга, яъни юридик ва жисмоний шахсларга банк хизмати кўрсатилмоқда. Ҳозирги пайтда ушбу тизимда 162 та мини банк фаолият кўрсатаётганлиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга тобора яқинлашаётганлигини, замонавий усуллардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилаётганлигини кўрсатади.

Хўш, “Пахта Банк” 2002 йил фойдаси ҳисобидан ўз акциядорларига салмоқли маблағни дивидендга ажратиб, кўпгина кўрсаткичларни тобора яхшилаб бораётган экан, бу ютуқларга қайси омиллар ҳисобидан эришмоқда? Энг аввало мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти оширилиб, уларнинг эҳтиёжларини қондириш чоралари кўрилмоқда. Банкнинг жамланма капитали, шу жумладан ўзининг ички ресурслари ҳажми йилдан-йилга кўпайтириб борилаётганлиги кредитлар ажратиш ва бошқа масалаларни ҳал этишда қўл келаяпти. Чунончи, 2003 йилнинг бошланишида банкнинг жамланма капитали 35 миллиард сўмга етди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу пайтига нисбатан 11 миллиард сўмга кўпайди. Ҳисобот йилида банк кредит портфели бир ярим баравар ортиб, 2002 йил 31 декабр ҳолатига 87 миллиард сўмни ташкил этганлиги мижозларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун иқтисодий шарт-шароит яратилганлигини тасдиқлайди. Банк фойдасининг 25 фоизи ҳисобидан имтиёзли кредитлаш жамғармаси шакллантирилганлиги бу борада алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ширкат хўжаликлари, фермерлар, пахта тозалаш саноати корхоналари ва бошқа тармоқларни ривожлантиришга қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ажратиш, уларнинг кўзда тутилган мақсадларга ишлатилишини назорат қилиш ва маблағларнинг ўз вақтида қайтарилишига эришиш банк фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири саналади. 2002 йили ширкат ва жамоа хўжаликларини ривожлантириш, улар учун техника воситалари, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари сотиб олишга 6,3 миллиард сўм кредит ажратилди. Бу маблағлар “Ўзагромашсервис” уюшмаси, “Ўзқишлоқхўжаликкимё” компанияси ва бошқа ташкилотлар орқали хўжаликлар моддий-техника негизини мустаҳкамлашга йўналтирилди.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга кредитлар ажратиш доимо диққат марказида турибди. 2002 йили барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан қарийб 6000 та лойиҳа бўйича кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредит миқдори 15 миллиард сўмни ташкил этди. Ана шу маблағнинг 12 миллиард сўмга яқини банкнинг ўз маблағи ҳисобидан эканлиги эътиборга моликдир. Банкнинг ўз жамғармаси ва “Бизнес-фонд”, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан ўрта ва кичик бизнес субъектларига 8 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар берилди. Хўжаликлар ва тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янги иш ўринлари очиш ҳисобига ёшларни ишлаб чиқаришга жалб этишнинг муҳим омилидир. 2002 йили “Пахта Банк” томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига мамлакатимиз бўйича 12 мингдан зиёд янги иш ўринлари вужудга келтирилди.

Андижон вилояти Жалақудуқ тумани Ойим қишлоғидаги йирик ип- йигирув фабрикаси қурилиши учун “Пахта Банк-”нинг ўз маблағлари ҳисобидан 713 миллион сўм кредит ажратилганлиги ушбу молия муассасаси кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларида қатнашаётганлигидан далолат беради. Ана шу йирик корхонага йўналтирилган жами ссуда қарзлари 1,7 миллиард сўмни ташкил этди. Фарғона ва Бухоро вилоятларидаги, Орол бўйидаги йирик қурилишлар билан бир қаторда аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш йўналишларига ҳам катта миқдордаги маблағлар ажратилмоқда. Чунончи, 2002 йилда “Пахта Банк” ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурлари ижросига 1,7 миллиард сўм маблағни йўналтирди. Шунинг ҳисобидан 106,7 километр газ, 85,7 километр ичимлик суви қувурлари тармоқлари ўтказилди.

Банкнинг ўз ресурс базасини мустаҳкамлашда аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш алоҳида ўрин тутади. Бу борада мижозлар манфаатини кўзлаб иш тутилаётганлиги туфайли ўтган йилнинг ўзида ушбу банк тизимида аҳоли маблағларини омонатларга жалб этиш 64 фоизга кўпайди. “Муқаддас замин”, “Ҳосил”, “Шарқ юлдузи” сингари омонатларга аҳолининг қизиқиши катта бўлмоқда.




“Пахта Банк”нинг фақат мамлакатимизда эмас, балки унинг ташқарисида ҳам миқёси кенгайиб, салоҳияти ошиб бормоқда. У бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилаяпти. Хусусан, қишлоқ хўжалиги тармоқларини кредитлаш билан шуғулланадиган банклар халқаро конфедерацияси (КИКА)нинг аъзоси сифатида фаолият кўрсатаётганлиги, ана шу йирик ташкилотнинг ХХХ юбилей ассамблеяси Тошкентда ўтказилганлиги, унда жаҳоннинг юздан ортиқ банклари президентлари қатнашганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. “Пахта Банк” халқаро рейтинг агентликларининг юқори баҳосига сазовор бўлаётганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Шу йилнинг 3-5 май кунлари мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Европа Тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчилари Кенгашининг XII йиллик йиғилиши бўлиб ўтади. Бу йирик анжуман республикамиздаги барча молия муассасалари, шу жумладан “Пахта Банк” учун катта воқеа ҳисобланади. 2002 йилнинг сентябр ойида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан “Пахта Банк” ўртасида ўрта ва кичик бизнесни микрокредитлашни янада ривожлантириш мақсадида 7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияларини очиш бўйича шартнома имзоланганди. Шу ҳужжатга мувофиқ ўтган қисқа вақтда “Пахта Банк-”нинг ўнга яқин филиалида 250 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги ишлар адо этилди.

Вазирлар Маҳкамасида 2002 йил якунларига ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштиришга бағишлаб ўтказилган йиғилишда қабул қилинган қарор, мамлакатимиз Президенти имзолаган “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармони “Пахта Банк” ходимлари масъулиятини янада кучайтириб, улар зиммасига аграр тармоқни ривожлантириш, ишни ташкил этишни такомиллаштириш, ажратилаётган капитал маблағлар самарадорлигини ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш сингари муҳим вазифаларни юклайди. Йиллик умумий йиғилиш қатнашчилари ўзларининг барча куч-ғайратлари, билим ва тажрибаларини юқорида таъкидланган масалалар ижросига сафарбар этажакларини билдирдилар.

**С.САЙДАЛИЕВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

## АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ “ПАХТА БАНК” ФАОЛИЯТИГА ОИД МУҲИМ ФАКТЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

### 05-ТАРТИБ РАҚАМЛИ МАЪЛУМОТ

**1. Эмитентнинг тўлиқ номи:** Акциядорлик Тижорат “Пахта Банк”.

**2. Эмитент жойлашган манзил:** 700096, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй.

**3. Муҳим фактнинг номи:** қимматли қоғозлар бўйича даромадларнинг ҳисобланиши ва тўланиши.

**4. Қимматли қоғозларнинг тури**: эгаси ёзилган нақдсиз акциялар.

**5. Дивидендларни тўлаш тўғрисида қабул қилинган қарор санаси ва тўлаш муддатлари:** 2003 йил 5 апрель, қарор қабул қилинган санадан кейин 60 кун давомида.

**6. Дивидендларни ҳисоблашда эмитентнинг акциялар бўйича даромадларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган орган:** акциядорларнинг умумий йиғилиши.

**7. Дивидендлар миқдори:** бир дона оддий акция бўйича 300 сўм ёки номинал қийматига нисбатан 30 %, бир дона имтиёзли акция бўйича 600 сўм ёки номинал қийматига нисбатан 60 %.

### 09-ТАРТИБ РАҚАМЛИ МАЪЛУМОТ

**1. Тўлиқ фирма номи:** Акциядорлик Тижорат “Пахта Банк”.

**2. Эмитент жойлашган манзил:** 700096, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй.

**3. Муҳим фактнинг номи:** акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори.

**4. Умумий йиғилишнинг тури:** йиллик.

**5. Умумий йиғилиш ўтказиш шакли:** акциядорларнинг умумий йиғилиши.

**6. Умумий йиғилиш ўтказилган сана:** 2003 йил 5 апрель.

**7. Умумий йиғилиш ўтказилган жой:** Тошкент шаҳри, А.Хўжаев кўчаси, 1- уй.

**8. Умумий йиғилиш кворуми:** овоз берувчи акциялар – 84%.

Овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш якунлари:

**1-масала**. АТ “Пахта Банк”нинг 2002 молия йилидаги фаолияти якунлари бўйича ҳисобот ва банк фаолиятининг 2003 йилги асосий йўналишлари тўғрисида. Овоз бериш якунлари: “тарафдорлар”- 8313108 овоз, “қаршилар”- йўқ, “бетарафлар”- йўқ. ***Қарор қилинди:*** АТ “Пахта Банк”нинг 2002 молия йилидаги фаолияти якунлари бўйича ҳисобот қониқарли деб баҳолансин ва банк фаолиятининг 2003 йилги асосий йўналишлари маъқуллансин.

**2-масала.** Банкнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш. Овоз бериш якунлари: “тарафдорлар”- 8311149 овоз, “қаршилар”- 1959 овоз, “бетарафлар”- йўқ. ***Қарор қилинди:*** Банкнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи тасдиқлансин, молия йилида банкнинг амалда олган фойдасидан келиб чиқиб “Пахта Банк”нинг барча оддий акциялари бўйича ўтган 2002 йил учун 30 (ўттиз) фоиз, имтиёзли акциялари бўйича 60 (олтмиш) фоиз йиллик дивиденд белгилансин ва ўрнатилган тартибда тўловлари амалга оширилсин.

**3-масала.** АТ “Пахта Банк” Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш. Овоз бериш якунлари: “тарафдорлар”- 8313108 овоз, “қаршилар”- йўқ, “бетарафлар”- йўқ. ***Қарор қилинди:*** АТ “Пахта Банк” тафтиш комиссиясининг 2002 йилдаги банк фаолияти якунлари тўғрисидаги тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

**4-масала. АТ “Пахта Банк” Тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш. Овоз бериш якунлари: “тарафдорлар”- 8313108 овоз, “қаршилар”- йўқ, “бетарафлар”- йўқ.** *Қарор қилинди:* **Акциядорлик Тижорат “Пахта Банк” Тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин: Х.Н.Азимов- АПКО “Лаззат” директори, Тафтиш комиссияси раиси, Ж.И.Исоқов- “Ўзбекбирлашув” Компанияси молия бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси ўринбосари, комиссия аъзолари этиб: Т.Йўлчибоев- Фарғона вилояти, Учкўприк тумани М.Деҳқонов номли ширкат хўжалиги раиси, Р.Давлатов-Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси раиси, Ш.Т.Одилов-“Таъминотчи Пахта” Акциядорлик Жамияти Бошқаруви раиси.**

**5-масала.** АТ “Пахта Банк” Кенгаши аъзоларини қайта сайлаш. Овоз бериш якунлари: “тарафдорлар”- 8313108 овоз, “қаршилар”- йўқ, “бетарафлар”- йўқ. ***Қарор қилинди:*** Акциядорлик Тижорат “Пахта Банк” Кенгашининг янги таркиби қуйидаги таркибда тасдиқлансин: Э.З.Зикриёев-Кенгаш Раиси, П.Р.Казиев- Кенгаш Раисининг ўринбосари, Х.Ж.Арзиқулов, В.К.Курносенков, Ш.Н.Нишонов, Ғ.С.Акрамов, Ф.О.Юсупов, К.К.Ибрагимов, Б.М.Куваков.

**6-масала.** АТ “Пахта Банк”нинг эълон қилинадиган акцияларининг миқдорини белгилаш. Овоз бериш якунлари: “тарафдорлар”- 8311149 овоз, “қаршилар”- 1959 овоз, “бетарафлар”- йўқ. ***Қарор қилинди:*** Акциядорлик Тижорат “Пахта Банк”нинг устав капитали 12.500.000.000 (Ўн икки миллиард беш юз миллион) сўм миқдорида эълон қилинсин.

**7-масала.** АТ “Пахта Банк” Устави ҳамда “Банк Кенгаши тўғрисида”ги Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. Овоз бериш якунлари: “тарафдорлар”- 8311149 овоз, “қаршилар”- 1959 овоз, “бетарафлар”- йўқ. ***Қарор қилинди:*** Акциядорлик Тижорат “Пахта Банк” Устави ҳамда “Банк Кенгаши тўғрисида”ги Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**8-масала.** АТ “Пахта Банк” ташқи аудиторини тасдиқлаш. Овоз бериш якунлари: “тарафдорлар”- 8313108 овоз, “қаршилар”- йўқ, “бетарафлар”- йўқ. ***Қарор қилинди:*** Акциядорлик Тижорат “Пахта Банк”нинг 2002 йил фаолияти якунларини аудиторлик текширувдан ўтказиш учун амалдаги қонун ҳужжатларига асосан “Эрнст энд Янг” халқаро аудиторлик компанияси банк аудитори этиб тасдиқлансин.

### 10-ТАРТИБ РАҚАМЛИ ХАБАР

**1. Ўзгартиришлар амалга оширилган сана:** 2003 йил 5 апрель.

**2. Амалга оширилган ўзгартиришларга асос бўладиган қарорни қабул қилган эмитентнинг ваколатли органи-** АТ “Пахта Банк” акциядорларининг умумий йиғилиши, 2003 йил 5 апрель.

**3. Ўзгартиришлар амалга оширилган эмитентнинг бошқарув органи: КУЗАТУВ КЕНГАШИ.**

### КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ОЛДИНГИ ТАРКИБИ:

***ЗИКРИЁЕВ Эрқул Зикриёевич***
Банк Кенгаши Раиси,“Ўзпахтасаноат” уюшмаси раиси.

***КАЗИЕВ Пулат Рашадович***
Банк Кенгаши Раиси ўринбосари:“Ўзагросуғурта” Давлат Акциядорлик Компанияси Бошқаруви раиси.

***АРЗИҚУЛОВ* Хужаназар Жуманазарович**
Тошкент вилояти, “Янги Ҳаёт” Халқ Корпорацияси раиси

***КУВАКОВ Машарип***
Хоразм вилояти, Боғот тумани, “Боғот” жамоа хўжалиги раиси. *0,00164%*

***КУРНОСЕНКОВ* Вадим Константинович**
“Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг” Холдинг Компанияси Бошқаруви раиси ўринбосари.

***НИШОНОВ* Шадикул Нишанович**
“Ўзагромашсервис” Уюшмаси раиси.

***МЕҲМОНОВ* Муҳсинжон Дадажонович**
Фарғона вилояти, “Қувасойцемент” АЖ ижрочи директори.

***ЮСУПОВ* Фозил Одилович**
“Ўзқишлоқхўжаликкимё” Давлат Акциядорлик Компанияси раиси.

***ИБРАГИМОВ* Кылышбай *Калбаевич***
Қорақалпоғистон Республикаси, “Кердер” жамоа хўжалиги раиси.

### КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ЯНГИ ТАРКИБИ:

***ЗИКРИЁЕВ Эрқул Зикриёевич***
Банк Кенгаши Раиси, “Ўзпахтасаноат” уюшмаси раиси.

***КАЗИЕВ Пулат Рашадович***
Банк Кенгаши Раиси ўринбосари:“Ўзагросуғурта” Давлат Акциядорлик Компанияси Бошқаруви раиси.

***АРЗИҚУЛОВ* Хужаназар Жуманазарович**
Тошкент вилояти, “Янги Ҳаёт” Халқ Корпорацияси раиси

***КУВАКОВ* Бектурди Машарипович**
Хоразм вилояти, Боғот тумани, “Боғот” жамоа хўжалиги раиси.

***КУРНОСЕНКОВ* Вадим Константинович**
“Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг” Холдинг Компанияси Бошқаруви раиси ўринбосари.

***НИШОНОВ* Шадикул Нишанович**
“Ўзагромашсервис” уюшмаси раиси.

***АКРАМОВ* Ғанижон Сотволдиевич**
Фарғона вилояти, “Қувасойцемент” АЖ Бошқаруви раиси.

***ЮСУПОВ* Фозил Одилович**
“Ўзқишлоқхўжаликкимё” Давлат Акциядорлик Компанияси раиси.

***ИБРАГИМОВ* Кылышбай *Калбаевич***
Қорақалпоғистон Республикаси, “Кердер” жамоа хўжалиги раиси.

## ҒАЛЛАБАНК - ИШОНЧГА МУШАРРАФ

***Куни кеча республика акцидорлик тижорат банки “Ғаллабанк” акциядорларининг 2002 йил якунларига бағишланган умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда РАТБ “Ғаллабанк”нинг 2002 йилдаги фаолияти якуни бўйича ҳисоботи ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги қароридан келиб чиққан ҳолда банкнинг 2003 йилда белгиланган устувор вазифалари ҳақида сўз юритилди.***

Йиғилишда иштирок этган акциядорларнинг эътироф этишича, ўтган йил “Ғаллабанк” учун муваффақиятли ва омадли бўлди. Банк фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ижобий кўрсаткичларга эришилиб, “Ғаллабанк”нинг барча филиаллари фаолияти аввало мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилишга доир чора-тадбирлар ҳақидаги фармонлари ва ҳукуматнинг иқтисодиётда ислоҳотларни чуқурлаштириш, банклар фаолияти билан боғлиқ бўлган қатор қарорларни бажаришга қаратилди.

Ушбу қарорларни амалга татбиқ этиш натижасида “Ғаллабанк”нинг мамлакатимиз миқёсида энг ишончли банк сифатида нуфузи ва мижозлари сони янада ортди.




Ўтган йил якунлари бўйича “Ғаллабанк” бир қатор ижобий натижаларга эришди. Булардан асосийси – банк томонидан пухта ишлаб чиқилган кредит, депозит ва фоиз каби ички сиёсатларнинг амалиётда самарали қўлланиши эвазига банкнинг хизмат кўрсатиш доираси кенгайди, яъни ўз фаолиятларини “Ғаллабанк” билан боғлаган турли мулк шакллари мижозлар сафи янада кенгайди.

Бугунги кунга келиб, банк 32 та филиал, 32 та минибанк, 76 та жамғарма шохобчалари ва 41 та валюта айирбошлаш шохобчаларига эга бўлиб, 39566 тадан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларга, ташкилотларга ва жисмоний шахсларга самарали банк хизматини кўрсатиб келмоқда.

Ўтган йили ҳам банк умумий капитали ва ресурс базасининг барқарор ўсиши таъминланди. Банк капитали 2002 йил давомида 45,0 фоизга ўсиб 10,3 миллиард сўмни ташкил этди. Шу билан бирга, ҳисобот даврида банк устав сармояси 770,0 миллион сўмга ортиб, 3,2 миллиард сўмга етказилди. Банк акциядорлари олдидаги хатарни камайтириш мақсадида, ҳар йилги чегирмалар натижасида шаклланаётган банкнинг заҳира сармояси эса 88,0 фоизга ўсиб 3,2 миллиард сўмни ташкил этди.

Жорий йилнинг биринчи январ ҳолатига банк устав сармоясидаги жисмоний шахсларнинг ҳиссаси 124,8 миллион сўмни ташкил этиб, уларнинг умумий сони 2595 тага етди.

Банк кредитларни иқтисодиётнинг реал секторига, жумладан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига йўналтириш асосида банкнинг даромад келтирувчи активлари улушини муттасил кўпайтиришга катта эътибор қаратилди.

Бугунги кунда банк ўз кредит маблағларини иқтисодиётнинг устувор йўналишларига жумладан, саноат корхоналарини, кичик ва ўрта тадбиркорларнинг маҳаллий хом ашё негизида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва импорт маҳсулотлари ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар таклиф этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириб келмоқда.

Ўтган йили банк томонидан ажратилган кредитлар эвазига Самарқанд вилоятида чинни ва консерва маҳсулотлари, Сирдарё вилоятида сут ва сут маҳсулотлари, Бухоро вилоятларида макарон маҳсулотлари, Андижон вилоятида полипропилен қоплар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳалар молиялаштирилди.

Ўтган давр мобайнида банк томонидан хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесга кредит бериш тизими яхшиланди. Микрокредитлар ажратиш механизми такомиллашди ва амалиётга кенг кўламда татбиқ этилди.

2002 йилда банк томонидан жами 10512 та кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига талаб даражасида банк хизматлари кўрсатилди. Кичик ва ўрта тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2002 йил мобайнида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 4703,8 миллион сўмлик кредитлар 1742 та тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган мижозларга, шундан 3245,7 миллион сўм кредитлар тадбиркорларга банкнинг ўз маблағи ҳисобидан ажратилди. Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан эса, 1258,2 миллион сўмлик кредитлар 705 та лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилди. Жами ажратилган кредитлар ҳисобига 2657 та янги ишчи ўринлари ташкил қилинди. Шунингдек, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1413,6 миллион сўмлик микрокредитлар 520 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилди.

Банкнинг ўз фойдасидан белгиланган фоизлар миқдорида ажратма ажратиш йўли билан деҳқон ва фермер хўжаликлари, микрокредитлр, кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳамда янги иш ўринларини ташкил қилишга мўлжалланган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида “Имтиёзли кредит бериш Жамғармаси” ташкил этилган.

Ўтган йили банк мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига 941,9 миллион сўмлик имтиёзли фоизда янги кредитлар берди.

“Ғаллабанк” ўзининг стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, 2002 йилда қишлоқ хўжалиги соҳаси ва шу соҳада машғул бўлган тадбиркорларга, яъни фермерлар ва деҳқон хўжаликларига яқиндан хизмат кўрсатиш, қишлоқда бозор инфратузилмаларини барпо этиш ишида фаол иштирок қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқ корхоналарининг молиявий инструментларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш устида иш олиб борди.

Ўтган йили мамлакатимиз деҳқонлари яратган 5 миллион 400 минг тонналик дон хирмонида ҳам “Ғаллабанк”нинг алоҳида ўрни бор.

Банк танлаган ва қабул қилган кредит, фоиз, ликвидлик, дивиденд ва инвестиция сиёсатлари банк фаолиятидаги изчил ўзгаришларни амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эга. Банк фаолиятини мувофиқлаштирувчи сиёсатларни амалда қўллаш активларнинг хатарлилик даражасини камайишига, депозит ва ссудалар бўйича фоизларни самарали белгилаш ва бошқариш, муаммоли ссудаларнинг вужудга келишининг олдини олишга олиб келди. Шунингдек, молия бозорига юридик ва жисмоний шахслар учун депозит сертификатлари ҳамда банк акцияларини муомалага чиқариш ва инвестицион фаолиятини ривожлантиришга таъсир этди.

Банк томонидан самарали фоиз сиёсатини оширилиши натижасида ҳамда кўрсатилган хизматлар асосида олинган даромад суммасининг миқдори олдинги йилга нисбатан 70 фоизга, соф фойдаси эса 35 фоизга кўпайишига эришилди. Бундан ташқари активларнинг рентабеллик ҳолати 10 даража, кредит маблағларнинг даромадлилиги эса 9,2 даражага ортди.

Маълумки, бозор муносабатлари ривожланган мамлакатлар аҳолиси ўзининг бўш пул маблағларини аксарият ҳолларда қимматбаҳо қоғозлар ёки банк омонатлари сифатида сақлайдилар. “Ғаллабанк” ҳам мазкур йўналишда олиб бораётган саъй-ҳаракатларини ўтган йили ҳам давом эттириб, бир қанча ижобий ўзгаришларга эришди. Аниқ ҳисоб-китоблар асосида олиб борилаётган эмиссия сиёсати ўз самарасини бермоқда. Ўтган йили жами 250 миллион сўмлик омонат сертификатлари ҳамда юридик шахслар учун мўлжалланган эмиссия ҳажми 2 миллиард сўмлик депозит сертификатлари муомалага чиқарилди.

Банкнинг инвестиция қўйилмалари 2002 йилда 332 миллион сўмлик корпоратив акциялардан ташкил топди. Банк томонидан инвестиция қўйилмалари бўйича олинган жами даромад 148 миллион сўмни ташкил этди.

Юридик ва жисмоний шахсларга яқиндан сифатли банк хизматини кўрсатиш мақсадида ўтган йили “Ғаллабанк” тизимида 16 та янги минибанк шохобчалари ишга туширилди.

Минибанклар томонидан мижозларни жалб қилиш ишлари яхши йўлга қўйилгани боис, уларнинг сони 2050 тага ортди.

Бундан ташқари банк аҳолининг пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ва шу орқали омонатларнинг солиққа тортилмайдиган даромад миқдорини оширишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бунинг натижасида 2003 йил 1 январ ҳолатига омонатчилар сони 26705 тани ва омонатлар қолдиғи 3246 миллион сўмни ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан омонатчилар сони 5167 тага ортган.

Ҳозирги кунда “Ғаллабанк” халқаро ҳисоб-китобларнинг банк амалиётида қабул қилинган турларини амалга ошириб келмоқда. Ташқи савдо операциялари борасида Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий муносабатлари ички иқтисодий ривожланиш бўйича олиб борилаётган сиёсатига ўз ҳиссасини қўшиб, фаол қатнашмоқда.




Ўтган йили ташқи фаолият билан шуғулланувчи мижозлар сони 40 фоизга, уларга кўрсатилаётган экспорт-импорт операциялари ҳажми эса 22 фоизга кўпайди.

Германиянинг “Commerzbank”, Голландиянинг “ABNAMRO Bank” каби дунёнинг етакчи банкларида очилган вакиллик ҳисоб варақалари жаҳоннинг деярли барча давлатлари билан ҳисоб-китоб қилиш имконини бермоқда.

Ўтган йили “Ғаллабанк” ва “American Express” компанияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимнинг имзоланиши хорижий валютадаги носавдо операциялар турини яна биттага ошириш имконини берди.

Бозор иқтисодиётининг асосий қонунларидан бири бўлган ўзаро соғлом рақобат бугунги кунда банк олдига, унинг малакали ҳамда маънавий етук мутахассисларидан таркиб топган жамоаси олдига янгидан-янги вазифаларни қўймоқда.

Банк фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг мамлакатимиз йирик банклари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминлаш ва бошқа банк фаолияти билан боғлиқ хизмат турларини ривожлантириш шулар жумласидандир.

“Ғаллабанк” ўз фаолиятини янада ривожлантириш, фойдани кўпайтириш, банкнинг кредит ва инвестиция ҳамда бошқа дастурий сиёсатларида белгиланган мақсадларини бу йил ҳам оғишмай давом эттириш йўлида дадил бормоқда.

**Абдураззоқ КАРИМОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

